

ЎТМИШГА НАЗАР

1 MAXSUS СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобоҷонова Дијором Бобоҷонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзРФА Тарих институти

Аззамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзРФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қызлар давлат педагогика
университети

Ульяева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ким - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши мұхандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боҳодир Жӯраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қарши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент аҳборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозогистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллаҗон Нуриддиновиҷ
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давлаталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмайлова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Дөгистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000


Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МҮНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Рахбар Эргашевна Холиковна БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	6
2. Яхшибека Атамуратовна Абдуллаева ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ГЕНДЕР МАСАЛАСИДАГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР.....	16
3. Шоҳистаҳон Мамажоновна Ўлжаева АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРИХИГА НАЗАР.....	22
4. Кожамжарова Даъя Пернешовна, Отарбаева Гулжан Кобеевна, Мусаева Суйкум Тулембаевна ДЖАДИДСКИЕ МЕКТЕБЫ И РУССКО-ТУЗЕМНЫЕ ШКОЛЫ: ИХ РОЛЬ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ КАЗАХСКОГО НАСЕЛЕНИЯ.....	28
5. Аваз Абдуллаевич Ерметов, Нагима Ергалиевна Тажмуханова, Гулжан Кобеевна Отарбаева ХХ АСР 80-ЙИЛЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ (ЁШЛАР МИСОЛИДА).....	35
6. Анвар Журакулович Яхшиев ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯДА АНТИК ДАВР ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.....	40
7. Диёржон Абдуллаев МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТ ҚАРОР ТОПИШИДА МУКОФОТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ (АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ МИСОЛИДА).....	46
8. Абдулазиз Ахмадхўжаевич Акбархўжаев ЎЗБЕКИСТОН МИНИАТЮРА САНЪАТИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	57
9. Гулзода Альзамовна Алимова АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАР, ТАРИХИЙ ШАХСЛАР НОМЛАРИ БАЁНИ (“Мажолис ун-нафоис” мисолида).....	62
10. Дилафруз Рашидовна Атамуратова ХОРАЗМ ДАВРИЙ МАТБУОТИДА “ИНҶИЛОБ ҚУЁШИ” ҲАМДА “ИЗВЕСТИЯ” ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЎРНИ: ТАРИХИ ВА ТАҲЛИЛИ.....	73
11. Феруза Эркиновна Атажанова ХОРАЗМДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР(1991-2017 ЙИЛЛАР).....	80
12. Жасурбек Зокиржонович Ахмедов, Иқбола Турсунмуродовна Қудратова ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИДА САҚЛАНАётГАН АЙРИМ ОСТАДОНЛАРНИНГ ШАКЛ БЕЗАКЛАРИ ХУСУСИДА.....	88
13. Феруза Хаятовна Бобоҷонова БУХОРОДАГИ МИР-АРАБ МАДРАСАСИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР.....	94
14. Элбек Ботиров ТУРКИСТОН АССР БОЖХОНА ТАРИХИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ФОНДЛАРИ ТАВСИФИ.....	103
15. Завқиддин Буриев РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА МАъмурий-ХУДУДИЙ СИЁСАТИ ҲАҚИДА.....	109

16. Азад Ҳасанович Ваисов	
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	115
17. S.I. Gabrielyan	
XX ASR BOSHLARIDA ANGLIYA JAMOATCHILIK FIKRINING FORSDAGI BUYUK BRITANIYA SIYOSATIGA MUNOSABATI.....	124
18. Ақбар Даминов	
“БОБУРНОМА”ДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР.....	132
19. Бурон Улугмуротович Жумаев	
ЎЗБЕКИСТОНДА ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН.....	137
20. Temur Shavkat o‘g‘li Zaripov	
MUZEY - JAMIYAT TARAQQIYOTI UCHUN XIZMAT QILUVCHI MUASSASA SIFATIDA.....	146
21. Фарҳоджон Одилжонович Исматуллаев	
ЕВРОПА ИТТИФОҚИННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА ЯНГИ СТРАТЕГИЯСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	150
22. Sardorbek Jamoliddinovich Mirzaxalov	
YOSHLAR TADBIRKORLIGI TOMONIDAN QO‘LLAB-QUVVATLANAYOTGAN SOLIQ IMTIYOZLARI VA ULARNING SOHA RIVOJIGA TA’SIRI (1991-2021-YILLAR).....	161
23. Фарида Абдуразаковна Максумова	
ШАҲАР МУҲИТИДАГИ ЛАНДШАFT ДИЗАЙНИ.....	168
24. Муҳаббат Мадиримовна Маҳмудова	
ХОРАЗМИЙЛАР ТИЛИ ВА ЁЗУВИНИЙ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН.....	173
25. Шавкатбек Махамадионусов	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИЙ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚЛАР ТАРИХИНИНГ АРХИВ МАНБАЛАРИ.....	177
26. Диlobар Баҳриддиновна Мирхусанова	
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР МУЗЕЙИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	182
27. Қабулжон Махамаджонович Насритдинов	
СОВЕТ ҲУКУМАТИ АГРАР СИЁСАТИДА ЕР-СУВ МАСАЛАЛАРИ ВА ДАСТЛАБКИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ (Фарғона водийси мисолида).....	187
28. Зумрад Раҳмонкулова	
XIX АСР ЎРТАЛАРИДА ҚЎҚОН ВА ХИВА ХОНЛИКЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ БИЛАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН.....	193
29. Фаҳриддин Самаров	
ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ “КАТТА ЛАНГАР ОТА” МАЖМУАСИ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?.....	199
30. Ибрагимжан Ташматов	
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР.....	206

31. Анвар Амир ўғли Темиров ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШГА ДОИР.....	214
32. Улугбек Шавқатович Усмонов ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ.....	218
33. Нафиса Закировна Ҳаётова СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ВА СУВ ТАЪМИНОТИ МАСАЛАЛАРИ (БУХОРО ШАҲРИ МИСОЛИДА).....	223
34. Зарина Илдаровна Файзрахманова XVI АСРДА БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИ САВДО ВА ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ.....	231
35. Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Ғиёсиддин Муроджонович Усмонов ТАБИАТ УНСУРЛАРИ ВА РАНГЛАРНИ ЎЗАРО УЙҒУНЛИГИНИНГ ХАЛҚОНА ҚАРАШЛАРДА АҚС ЭТИШИ.....	239
36. Ислом Акрамович Ҳамдамов МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ МЕЪМОРЧИЛИК ФАОЛИЯТИ.....	244
37. А.Г. Холлиев РОССИЯДА ХОРИЖЛИКЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИНГ ОЁҚҚА ТУРИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	250
38. Азиза Мустафаевна Эгамбердиева ЁШЛАРНИНГ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ ВА ТАШАББУСКОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	260
39. Нафиса Мустафаевна Эгамбердиева ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ, УЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ, АЛИШЕР НАВОЙЙНИНГ ОИЛА, ИНСОН ОДОБИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ.....	267
40. F.N. Shirinova, Z.S. Kosimova IX-XII ASRLARDA O'ZBEK DAVLATCHILIGI. IJTIMOIY, SIYOSIY-IQTISODIY HAYOTI. AJDODLARIMIZNING JAON SIVILIZATSIYASI TARAQQIYOTIGA QO'SHGAN ULKAN HISSASI.....	273
41. Икматулла Гайбуллаевич Елмуратов XX АСР БОШИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ТАРИХИ.....	281
42. Бўриев Очил, Искандаров Шерзод Абдуганиевич АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР: САЙИДЛАР ҲОМИЙСИ.....	288
43. Искандаров Шерзод Абдуганиевич ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ВА ДИНИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШИ.....	295
44. Искандаров Шерзод Абдуганиевич ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРНИНГ МОТАМ МАРОСИМ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАОМЛАР.....	302



ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

Бўриев Очил
Жаҳон тарихи кафедраси профессори
Қарши давлат университети
Искандаров Шерзод Абдуганиевич
Ижтимоий фанлар кафедраси доценти
Тошкент тиббиёт академияси

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР: САЙИДЛАР ҲОМИЙСИ

For citation: Boriev Ochil, Iskanderov Sherzod. AMIR TEMUR AND THE TIMURIDS: PATRONS OF THE SAYYIDS. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.288-294



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада “сайид” атамасининг мазмун-моҳияти ҳамда Соҳибқирон Амир Темурнинг уларга ҳомийлик қилганлиги таҳлил қилинган. Зеро сайидлар Шарқ мамлакатларида ўрта асрларда мусулмон жамоалари орасида алоҳида имтиёзга эга бўлган гурух хисобланган, ҳамда диндорлар орасида уларнинг нуфузи юқори эди. Сайид сўзи исломга қадар араблар қабила бошлиғининг унвонини ифодалаган ва “йўлбошчи”, “бошлиқ” маъноларида қўлланилади. Кейинчалаик бу сўзниг қўлланиш даражаси кенгайиб, “улуғ”, “буюқ” маъноларини англатган. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг фаҳрий унвони сифатида ишлатилган бу сўз кейинчалик турли бирималар ўрнида ҳам келган. Сайдул мурсалин (пайғамбарларнинг улуғи), сайди қурайший (курайиш қабиласининг бошлиғи) каби. Жумладан “Темур тузуклари”нинг кўпгина саҳифаларида сайидлар эҳтиром билан тилга олинган. “Тузуклар”да қўйидаги сўзлар таъкидланган: “Биринчи навбатда сайидлар ва уламони иззат хурмат қилишни, ҳар қандай истаклари бўлса, дарҳол муҳайё этиб, муқаррар равишда уларнинг ҳолидан хабар олиб туришни буюрдим”. Асарда таъкидланганидек, сайидлар соҳибқирон мажлисларида фаол иштирок этишиб, давлат, ҳукукий, ахлоқий масалалар бўйича қимматли фикрлар беришган. Соҳибқирон улардан ҳалол ва ҳаромга оид кўп масалаларни ўрганганди.

Калит сўзлар: атама, мазмун, ҳомийлик, диндор, насаб, сайид, таҳлил.

Буриев Очил,
Профессор кафедры «Всемирной истории»
Каршинский государственный университет
Искандеров Шерзод Абдуганиевич
Доцент кафедры социальных наук
Ташкентская медицинская академия

АМИР ТЕМУР И ТИМУРИДЫ: ПОКРОВИТЕЛИ САЙИДОВ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется значение термина «сайид» и покровительство Сахибкирана Амира Темура. Потому что сайиды считались привилегированной группой среди мусульманских общин в средние века в восточных странах, и их влияние было велико среди религиозных людей. До ислама слово Сайид представляло собой титул главы арабского племени и употреблялось в значениях «вождь», «вождь». Позже уровень употребления этого слова расширился, означая «великий», «великий». Это слово, которое использовалось в качестве почетного титула Пророка Мухаммада (мир ему и благословение), впоследствии было заменено различными сочетаниями. Как Сайидул Мурсалин (величайший из пророков), Сайид Курайши (глава племени курайшитов). В частности, Сайиды упоминаются с уважением на многих страницах «Темура Тузуклари». В «Тузуклар» подчеркнуты следующие слова: «Прежде всего я повелел уважать сайидов и ученых, удовлетворять любые их просьбы и непременно сообщать им об их состоянии». Как отмечается в работе, Сайиды принимали активное участие в заседаниях Сахибкирана и давали ценные мнения по государственным, правовым и нравственным вопросам. Сахибкиран узнал от них много вопросов, связанных с халялем и харамом.

Ключевые слова: термин, содержание, спонсорство, религия, генеалогия, сайид, анализ.

Boriev Ochil,

Professor of the World History department
Karshi State University

Iskanderov Sherzod Abdug'anievich

Associate Professor of the Department of Social Sciences
Tashkent Medical Academy

AMIR TEMUR AND THE TIMURIDS: PATRONS OF THE SAYYIDS

ANNOTATION

The article analyzes the meaning of the term "sayyid" and the patronage of Sahibqiran Amir Temur. Because sayyids were considered a privileged group among Muslim communities in the Middle Ages in Eastern countries, and their influence was high among religious people. Before Islam, the word Sayyid represented the title of the head of the Arab tribe and was used in the meanings of "leader", "chief". Later, the level of use of this word expanded, meaning "great", "great". This word, which was used as an honorary title of the Prophet Muhammad (pbuh), was later replaced by various combinations. Like Sayyidul Mursalin (the greatest of the prophets), Sayyid Qurayshi (the head of the Quraysh tribe). In particular, Sayyids are mentioned with respect in many pages of "Temur Tuzuklari". The following words are emphasized in "Tuzuklar": "First of all, I ordered to respect the sayyids and scholars, to provide for any requests they may have, and to inform them about their condition without fail." As noted in the work, Sayyids took an active part in Sahibqiran meetings and gave valuable opinions on state, legal, and moral issues. Sahibqiran learned many issues related to halal and haram from them.

Key words: term, content, sponsorship, religious, genealogy, sayyid, analysis.

Сайидлар Шарқ мамлакатларида ўрта асрларда мусулмон жамоалари орасида алоҳида имтиёзга эга бўлган гурух хисобланган, ҳамда диндорлар орасида уларнинг нуфузи юқори эди. Жамоатчилик орасидан сайидлар аъёнлар сингари жой олишганди. Шу боисдан тарихий манбаларда ва ҳалқимиз ўртасида “сайид” атамаси кўплаб учраб туради. Мазкур атамани имловий хато ва нотўғри қўллаш ҳолатларини ҳам кўриш мумкин. Қуйида “сайид” атамасининг ва насабининг мазмун-моҳияти ҳамда Соҳибқирон Амир Темурнинг уларга ҳомийлик қилганлиги қисқа баён қилинади.

Сайд – (Сайид) – (а) мустақил ҳукмдор, жаноб. Мұхаммад Пайғамбар (с.а.в.) авлодларидан бўлган мусулмонлар унвони; Мұхаммад Пайғамбар (с.а.в.) авлодларига мансуб киши эркаклар исмининг таркибий қисми. Сайидкарим, Сайидолим. Сайид атамаси расууллоҳ Мұхаммад алайхисалом авлодларига, айниқса, уларнинг набиралари – ал Ҳусайндан кетадиган тармоғига нисбатан ишлатилади. Манбаларга кўра Мұхаммад пайғамбарнинг қизи Фотима билан амакиваччаси Алидан тарқалган авлодга сайид номи берилган.

Алишер Навоий асарлари учун қисқача луғатда таъкидланганидек: Сайд ва Сайид – 1) Мұхаммад авлоди; 2) жаноб, тақсир; 3) бошлиқ, йўлбошчи; Сайид ул-мурсалин-пайғамбарларнинг бошлиғи. Заҳириддин Мұхаммад Бобур ҳам сайидларни бошлиқ, етакчи, пайғамбар авлоди деб таърифлаган.

Сайид сўзи исломга қадар араблар қабила бошлиғининг унвонини ифодалаган ва “йўлбошчи”, “бошлиқ” маъноларида қўлланилади. Кейинчалаик бу сўзниг қўлланиш даражаси кенгайиб, “улуғ”, “буюқ” маъноларини англатган. Мұхаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг фахрий унвони сифатида ишлатилган бу сўз кейинчалик турли бирикмалар ўрнида ҳам келган. Сайдул мурсалин (пайғамбарларнинг улуғи), сайди қурайший (қурайиш қабиласининг бошлиғи) каби.

Таниқли тилшунос олим Э. Бегматов ёзадики: Сайд – баҳтли, саодатли, омадли ёки толеи баланд, ўсуви, юксалувчи. Шакллари: Сайдбой, Сайджон, Сайдхон. Китобда Сайд кўшилган 80 дан зиёд исмга изоҳ берилган. Сайд – айнан: хўжа, эга, бошлиқ, раҳбар. Бу сўз Мұхаммад (с.а.в.) авлодларининг фахрий унвонидир. Шакллари: Сайдбой, Сайджон, Сайдбек. Китобда Сайд сўзи қўйилган 70 дан ортиқ исмга изоҳ берилган. Арабларда исломга қадар қабиланинг сайланадиган унвони- бошлиқ, масъул шахс “сайид” деб аталган.

Алининг отаси Абу Толиб бир вақтлар қурайш қабиласининг сайидларидан бўлган. Шунинг учун бу унвон Алининг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайннинг бутун авлодлари исмига қўшиладиган фахрий унвон ҳисобланган. Сайидларнинг қизига уйланган фарзандлари ҳам сайид саналган. Шунинг учун мусулмон дунёсида, жумладан Туркистонда кўпчилик ҳукмдорлар ўз авлодлари мавқенини кўтариш мақсадида сайидлар кизларига уйланишга интилишган. Ўтмишдаги табақалар ичидаги сайидлар нуфуз жиҳатидан биринчи ўринда туришган. Ўрта Осиё хонлари ва юқори табақа вакиллари сайидлар қизларига уйланишиб, шу йўл билан ўз авлодларини сайидларга айлантиришга интилишган.

Ўтмишда кўпгина ҳукмдорлар шу жумладан, Бухоро амирлари ва Хива хонлари ҳамда турли нуфузли ижтимоий табақага мансуб шахслар пайғамбар авлодидан ҳисобланмасада, ўзларини сайидлар деб аташган. Бухоро амирлари (манғитлар сулоласи) сайидлар сулоласи билан куда – андачиликни йўлга қўйганлиги туфайли бир неча нафарининг номи ва унвони олдига сайид атамаси қўйилган. Шунингдек, Хива хонлиги (қўнғиротлар сулоласи) вакиллари ҳам сайидлар билан қуда-андачилик қилгани учун уларнинг унвонига ҳам сайид атамаси қўлланилган. Қўқон хони Умархон (минглар сулоласи) ҳам ўз исмига сайид нисбасини қўшиб ишлатган. Хўжа, раҳбар ҳам сайид деб номланган.

Юқорида таъкидланганидек, Сайидлар Мұхаммад пайғамбарнинг авлоди саналади. “Сайид” атамаси Арабистонда ислом динига қадар қабила аристократияси вакили ёки қабила бошлиғини англатса, ислом терминологиясида турли мазмунда келади. Қуръон ва ҳадисда ҳам сайид сўзи турли мазмунда қўлланилган. Ҳадисларда “сайид” сўзини рабб (жаноб) билан алмаштириш ҳақида гап кетса, бошқа томондан пайғамбаримизнинг ўзларига нисбатан мусулмонларнинг сайид сўзини ишлатишини ман этганлари ёзилади. Бунда сайид – бу факат ягона Оллоҳдир дейилган. Кўчма маънода, масалан, “сайид ал-калом”- “тилнинг намунаси”- Қуръони Карим тўғрисидадир. Шунингдек, сайидларга нисбатан ҳазрати маҳдумзода, худованзода, шахзода атамалари ҳам ишлатилган.

Ислом дунёсида сайид унвонига эга бўлган шахс катта имтиёзларга эга бўлган. VII-VIII асрларда пайғамбаримизнинг қизлари Фотимадан тарқаганлар “сайид” аталиб, алоҳида хурматга сазовор табака шаҳарда аҳоли томонидан эъзозлаб келинган. Бу анъана ўрта асрларда

қарийб минг йил давом этиб, саййидлар давлат бошқаруви ва ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этганлар.

IX асрда йирик шаҳарларда ўз нақиблари сайланга бошлаган. Нақиб саййидларнинг даъволари ҳақиқийлиги тўғрисида ҳукм чиқариш учун шажаралар билимдони бўлиши, саййидларнинг хулқ-атвори ва уларнинг манфаатларига риоя этилишини, саййидларга тегишли вақф мулкларини назорат қилиши лозим эди. Шунингдек, нақиб ҳукм чиқарадиган ва бошқа вазифаларни ҳам бажарган. Демак, саййидлар мусулмонлар ижтимоий ҳаётида турли вазифаларни улдалашган. Бухоро хонлигига саййидларнинг унвони тўра бўлган; раҳнамо, сардор маъноларини англатади.

Сайид насабига эга бўлган шахслар давлатда юқори лавозимларда туриб, Бухоро хонлигига муҳтасиб, нақиб (раҳбар) каби лавозимларга тайинланган. Бухоро амирлигига Жўйбор шайхлари тасарруфидаги ҳудудларни бошқариш, Хожа Баҳоуддин Накшбанд мажмуасини ободонлаштиришга ҳам саййидлар масъул бўлишган. Амирликда саййидлар алоҳида имтиёзли қатлам сифатида алоҳида ажралиб туриб, аҳолининг бошқа табақа ва тоифалари билан никоҳ муносабатларига кирмаганлар. Муҳаммад пайғамбарнинг саййид унвонига эга бўлган авлодлари ўзлари хоҳлаган жойда яшаш ўша ердаги ҳукмдор ҳузурига бемалол кириш, барча солиқлардан озод этилиш каби имтиёзларга эга бўлганлар. Халифалик ҳудудидаги амирлар саййидларнинг яхши яшashi учун ер-сув, турли инъомлар билан таъминлашлари, улар гуноҳларини кечиришлари, уларни озод этишлари шарт бўлган. Сайидлар берилган ушбу имтиёзлар туфайли катта обрў ва эътиборга эга бўлишган.

“Темур тузуклари”нинг кўпгина саҳифаларида саййидлар эҳтиром билан тилга олинган. “Тузуклар”да қуйидаги сўзлар таъкидланган: “Биринчи навбатда саййидлар ва уламони иззат ҳурмат қилишни, ҳар қандай истаклари бўлса, дарҳол муҳайё этиб, муқаррар равишда уларнинг ҳолидан ҳабар олиб туришни буюрдим”. Асарда таъкидланганидек, саййидлар соҳибқирон мажлисларида фаол иштирок этишиб, давлат, ҳуқуқий, ахлоқий масалалар бўйича қимматли фикрлар беришган. Соҳибқирон улардан ҳалол ва ҳаромга оид кўп масалаларни ўрганган. Асарда саййидларни сара, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини ўрнига қўйилганлиги, улар орасидан лаёкатли биттасини ахли исломга бошлиқ – садр этиб тайинланганлиги, улар 12 тоифанинг биринчиси сифатида қадрланганлиги, соҳибқирон улардан кўп нарсаларни ўрганганлиги, уларга етарлича нафака ва маош белгиланганлиги, ҳаттоқи саййидларни машваратларда салтанат тахти атрофида, энг олдинда, ўнг томондан жой олишларига ҳамда саййидлар азиз тутилиб, уларга суюргол, вазифа ва ойлик маош билан сийланишгача батафсил баён этилган.

Соҳибқирон пайғамбар авлодлари бўлган саййидларга эҳтиром кўрсатиб, уларни пир тутган ҳамда давлат бошқарувида уларнинг маслаҳатларига доимо амал қилганлиги ёзма манбаларда акс этган. Маккалик Мир Сайид Барака Термиз саййидлари авлодидан бўлиб, Соҳибқироннинг пири ҳисобланган. Амир Темур ўз васиятида: “Менинг бошимни пиrim Мир Сайид Бараканинг сеёқ томонига қўйинглар” деган. 1404 йил охирларида вафот этган Мир Сайид Барака Соҳибқирон кўрсатмаси билан Афғонистонда (Анҷӯй вилояти) дафн этилган. Шоҳруҳ ва Улуғбек Соҳибқироннинг васиятига кўра, ул зотни Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Гўри Мирга дафн этишган. 1409 йилда Шоҳруҳ Мирзо Мир Сайид Бараканинг хокини шимолий Афғонистондан олиб келиб, Гўри Мирга, Амир Темурнинг бош тарафига қўйган.

Амир Темур томонидан 1387 йилда Самарқандга олиб келиниб, “Дор уш-шифо” мадрасасида дарс берган журжонлик машхур файласуф олим Мирсайид Шариф Муҳаммад Журжоний (1330-1414) билан боғлиқ сақланиб қолган маълумотларни келтириш мумкин. Соҳибқирон истаги бўйича Самарқандда илмий ишлар олиб борган ислом дунёсида машхур хуросонлик олим Саъфоуддин Тафтазоний (1322-1389) билан Соҳибқирон ҳузурида бўлиб ўтган баҳсада Амир Темур шундай деган эди: “Биз икки олим фазилат ва ирфонда тенг эканлигини билсак ҳам, Журжонийнинг насаб жиҳатдан устунлиги бор. Яъни у ҳам саййид, ҳам шарифдур. Тафтазоний эса бизлар кабидур”.

Соҳибқироннинг Термиз саййидларини қандай эъзозлагани тарих саҳифаларида муҳрланиб қолган. Термиз саййидлари Амир Темур ва темурийлар даврида анча кўзга

кўринарли нуфузга эга бўлишган. Улардан айниқса, Ало ал-Мулкнинг ўғиллари Алоуддин, Абул Маолий ва Али Акбар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишган.

1370 йил баҳорида Балхда Амир Темурнинг таҳтга ўтириш маросимида Абул Маолий ибн худовандзода Абул Ҳасан Али Асғар (ваф. 1407) ва Али Акбар иштирок этишган. 1371 йилда Абул Маолий Зинда Чашмга қўшилиб ҳукмдорга қарши фитнада қатнашиб, руҳонийлиги учун авф этилган. Ўша вактда унинг ҳалқ орасида обрўси баланд эди. У кейинги йилнинг ўзида соҳибқироннинг Хоразмга юришида иштирок этган. Амир Темур 1399 йилда Ҳиндистон юришидан ҳамда 1404 йилда Ғарб юришидан қайтишида Термиздаги қадамжоларни, саййидларни, Ҳаким ат-Термизий, Абу Бакр Варроқ мақбараларини зиёрат қилган. Абул Маолийнинг ўғли Ало ал-Мулкнинг хонадонида тўхтаб ўтган. Ало ал-Мулкнинг Али Асғар исмли ўғлининг уч ўғли бўлган: Амир Бузруг, Абул Маолий ва Шамсиддин.

Термиз саййидларининг таникли вакили Абул Маолий кўп йиллар мобайнида Соҳибқироннинг ота мерос мулкида яшаган ва қазоси етгач (1455) Шахрисабздаги Гумбази Сайидонга шайх Шамсиддин Кулол қабри ёнига дағн этилган. Унинг бу манзилдаги қабр тошида Термиз саййидларининг анча аниқ шажараси келтирилган. Шунингдек мазкур хилхонада Соҳибқироннинг падари бузуруквори Муҳаммад Тарағай ҳам дағн этилган. Манбаларда Темурий шаҳзодалар Термиз саййидлари хонадонлари Хоразм вакилларига уйланишганлиги тўла тасдиқланади.

Соҳибқироннинг Хоразм саййидларига эҳтироми ҳам дикқатта сазовордир. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар мажмуасида сақланаётган ёрликда (бир вараг, 11 сатр бодом шаклдаги муҳрнинг ўрта қисмида) “Амир Темур Тарагай” деб ёзилган. Ёрлик шоҳи матога ёпиширилиб, матн ёзилган. Бу ҳужжат 1378 йилда Соҳибқирон томонидан Хоразмдаги Дархонота мавзесида ёзилган. Абу Муслим авлодларига берилган ёрлик бўлган. Академик И.Мўминовнинг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” (1968) рисоласида ушбу ҳужжат фотосурати муқова ортига илова қилинган.

Мазкур ҳужжатда Пайғамбар авлодлари – саййидларнинг ислом дунёсида катта имтиёзларга сазовор бўлиб келганликлари таъкидланган. Кўриниб турибдики, Абу Муслим наслидан бўлган Хоразм саййидлари мўғуллардан аввалроқ ҳам бу ерда катта имтиёзларга эга бўлишган. Чингизийлар даврида имтиёзлари бироз чекланган бўлса-да, ўз ҳуқуқларини сақлаб қолишга муюссар бўлишган.

Туркистонда Амир Темур салтанати қарор топгач, Хоразм саййидлари Амир Темурга мурожаат қилишиб, ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва имтиёзларини расмий тан олишни маҳсус фармон билан мурожаат қилишган.

Абдураҳмон ибн Муслим (727-755) Марв яқинидаги Моҳон қишлоғида яшаб, Ҳошимийлар қабиласига мансуб бўлиб, Муҳаммад авлоди, яъни саййидлардан саналган. Абу Муслим Ҳурносон волийси бўлиб, аббосийлар халифасининг таникли лашкарбошиси бўлган. Унинг авлодлари кейинчалик Хоразмга келиб жойлашишган ва маҳаллий аҳоли орасига сингишиб кетишган.

Соҳибқирон доимо саййидларни эъзозлаган. Масалан, 1361 йилда барлослар асир олган 70 нафар саййидни асирликдан озод этгач, Туғлуқ Темурнинг ғазабига учраган эди. Бу ҳақда тузукларда кўплаб баён қилинган: “Мовароуннахрда мўғулларнинг жабру ситамлари ортиб кетди. Чунончи, саййид ва саййидзодалардан етмиш кишини асир олиб банди этдилар. Илёсхўжа давлат ва сиёsat ишларида лаёқатсиз бўлгани туфайли уларнинг зулми ситамига барҳам беришга ожиз эди. Мен бўлсан, ўз салобату ҳайбатим билан мўғуллар устидан ғалаба қозондим ва мазлумларни золимлар зулмидан халос этдим”. Тузукларда таъкидланадики: “Саййидлар орасидан лаёқатли биттасини аҳли исломга садр қилиб тайинладим. Вақфларни бошқариш ва назорат қилиш учун мутаввалий тайинлаш, ҳар бир вилоят ва шаҳарни кезиб, муфтий, муҳтасиб (назоратчи) тайинлашни унинг ўзига ҳавола этдим. У саййидлар, уламолар, шайхлар ва бошқа диний арбобларга суюргол белгилаб, ҳар бирининг вазифасини тайин қилсин дедим.”

Демак, Соҳибқирон саййидларнинг моддий жиҳатдан таъминланишига ҳам алоҳида эътибор берган. “Амир Музаффар ва-л Мансур Амир Темур Муҳаммад Баҳодурхон сўзим” деб

битилган мазкур ёрлиқда таъкидланганидек, Хоразмдаги Дархонота саййидлари ғуж ҳолда яшаб, ер-сув, тегирмон каби бойликларга эга бўлишган. Ёрлиқда кўрсатилишича, саййидлар барча йигим (солиқ)лардан озод этилган. Хон ови пайтида саййидларга халақит берилмасдан, улардан ов учун улов, озиқ-овқат ва бошқалар олишмаган. Бошқа амалдорлар ҳам саййидларга озор беришмаган.

Хорижий элчиларга шароит яратишда ҳам саййидлар сафарбар этилмаган. Улар бу соҳага дахлдор солиқ ва хизматлардан озод этилган. Мамлакатдаги манзилгоҳларда ҳаракат кечак-ю қундуз давом этган. “Йўловчилар”, яъни чопарларга шароит яратиш маҳаллий аҳолига юқлатилган. Хоразм саййидлари бу мажбуриятдан ҳам озод этилганлиги ёрлиқда ёзилган.

Айтиш жоизки, Амир Темур муҳри босилган “Тархон ёрлик”да XIV асрда бобокалонимизнинг Туркистондаги мустаҳкам давлатчилик тартиб-қоидалари, давлат сиёсати, ижтимоий-иктисодий ҳаёт акс этган. Мазкур ёрлиқда Соҳибқирон давлатининг ислом динига асосланганлиги, давлатда дин пешволари, жумладан саййидларнинг обрў-эътибори кучли эканлиги, ҳукмдор уларга таяниб, давлат бошқарувида дин пешволарининг обрў-этиборини жойига қўйганлиги теран баён этилган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг пайғамбар авлодлари саналган саййидларга эҳтиром кўрсатиб, уларни пир тутган ҳолда давлат бошқарувида уларнинг маслаҳатларига амал қўлганлиги ёзма манбаларда акс этган. Жумладан шундай манбалар таҳлил шуни кўрсатидик, Амир Темур ҳузурида фаолият юритган машҳур олим, тўлиқ исми Абул Ҳасан Али ибн Мухаммад ибн Али ас-Саид аш-Шариф ал-Журжоний ал-Ханафий бўлган ал-Журжоний (1340–1413) билан боғлиқ сақланиб қолган маълумотларни келтириш мумкин. Журжоний билан ўз даврининг етук диний уламоси, Амир Темур истаги бўйича Самарқандда фаолият юритаётган Саъдад-дин ибн Умар ибн Абдуллоҳ ат-Тафтазоний (1322–1390) орасида Соҳибқирон ҳузурида бўлиб ўтган илмий баҳсада Амир Темур шундай дейди: «Бу икки олим фазилат ва ирфонда тенг эканлигини билсак ҳам, Журжонийнинг насаб жиҳатдан устунлиги бор. Яъни у ҳам саййид, ҳам шарифдир, Тафтазоний эса бизлар кабидир».

Ахборотчилар маълумотига кўра, Амир Темур томонидан қўчириб келтирилган арабларнинг бир қисмини Касбидаги дин пешвоси Саййид Ҳазрат Султон Амир Шамсуддин Мирҳайдар соҳибқирондан сўраб олиб қолиб, ҳозирги Косон тумани ҳудудларига жойлаштирган. Арабларнинг мазкур қисми Саййид «мирҳайдари» деб аталиб, Султон Мирҳайдарни ўзларига пир деб билишган ва XX асрнинг 20-йилларигача унинг авлодларига солиқ ҳам тўлашмаган.

Саййидлар сон жиҳатдан камчиликни ташкил этишиб, асосан, пойтахт ва бирон шаҳарда (Бухоро, Тошкент, Кўқон) истиқомат қилишган. Улар давлат бошқарувида алоҳида имтиёзга эга бўлишган. Маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланишган, мадрасаларда мударрис бўлишган. Шунингдек, саййидлар қози лавозимида ҳам ишлашган. Улар одатда аҳолининг кўпчилик қисмидан ажраган ҳолда, алоҳида маҳалла ва қишлоқ бўлиб яшашган. Қабристонлари ҳам алоҳида бўлган. Қорачалардан уйланиши тақиқланган, аммо бунга ҳамма эркаклар ҳар доим ҳам амал қиласеришмаган.

Саййидлар аҳолисининг хўжа ёки чигатой деб аталувчи ўзбек ва тожик тилли гуруҳлар ташкил этувчи ҳудудларда яшашган. Бу этник гуруҳлар, асосан, Сурхон воҳасида истиқомат қилишади. Агар чигатойларнинг ўзбек ва тожик тилли минтақада асосан, Темурийлар даврида ёки бурунги этник гуруҳлар шаклланганлиги ҳисобга олинса, мазкур қишлоқларда яшовчи саййидлар (қисман хўжалар) нинг ҳам улар билан яшаб, ва арабларга тааллуқли аҳоли вакиллари эканлиги аён бўлади.

Совет даврида исломий қадриятлар каби “саййид” атамаси ҳам қатағонга учраган эди. Энг аввало, пайғамбар авлодларига мансуб кишилар қувғин қилинди. Муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар топталди. Саййидлар ўзларининг келиб чиқишини, аждодларини, ҳаттоқи исми шарифини унтишга маҳкум этилди.

Ўрганилган муаммонинг у ёки бу жиҳатларини ёритишда социолог олим К.Калоновнинг Марказий Осиё ҳудудидаги ижтимоий-диний табақалар таҳлилига оид рисоласи ва А.

Абдуллажоновнинг «сайид» термини таҳлилига бағишланган тадқиқоти катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли халқимиз диний қадриятлари яна тикланди. Жамиятдаги турли табақалар, жумладан, пайғамбар авлодлари деб хисобланган фуқаролар – саййидлар авлодларининг ҳақ-хуқуқлари тикланиб, эркин диний эътиқод қилишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Соҳибқирон Амир Темур ҳомий сифатида пайғамбар авлодлари саналган саййидларга доимо эҳтиром кўрсатган. Уларни пир тутиб, давлат бошқарувида саййидларнинг маслаҳатларига амал қилган.

Адабиётлар:

1. Абдуллажонов А.. Сайид унвонми ёки исм?. –Ўзбек тили ва адабиёти 1996 йил, 6-сон. Б. 45-46.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., 2003. Б. 338.
3. Бегматов. Э.Ўзбек исмлари.Т.,2007. Б. 586.
4. “Бобурнома учун қисқача луғат. - Т., 2008. Б. 146.
5. Искандаров Ш.А. Ўзбекистон араблари: анъаналари ва трансформацион жараёнлар Т. “Янги нашр” 2017. – Б. 48
6. Калонов К. Марказий Осиё ҳудудидаги ижтимоий-диний табақалар (диний-экологик ва социо-антропологик таҳлил) / Серия «Рабочие документы ИФЕАК» - Document de travail de l'IFEAC, 16-й выпуск, май 2006.
7. Навоий асарлари учун қисқача луғат. - Т., 1993. Б. 240.
8. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Т., 2012. Б.132. (Қаранг) Yüksel M.F. Timurlularda Din-Devlet Yılıfkisi. – Ankara, 2009. – S. 86 –87.
9. Р.Ражабов Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Т., 2012. Б.132.
10. Семенов А.А. Бухарский трактат о членах и званиях и об обязанностях называемый их в средневековой Бухаре. – СВ, т. V. М-Л., 1948. Стр 141.
11. Ўзбек тилининг изохли луғати.3-ж. - Т., 2007. Б. 422.
12. Э.Бегматов.Ўзбек исмлари. - Т., 2007. Б. 360-363.